

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕВОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 78 (65954) .
1996 йил, 23 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

ХАЛҚИ БИЛИМДОН ЮРТ БАДАВЛАТДИР

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ортидан қолган энгилмас Ватан — Ўзбекистонимиз узининг ҳам маънавий, ҳам иқтисодий қудратини билимдон, зукко болалари эвазига мустаҳкамламоқда.

Тошкентдаги Муҳаббат Назарова номли 70-мактабда ташкил қилинган банкирлар синфини Тошкент шаҳар почтаси ва «Камалак» телевидениеси ҳомийликка олишган. Бундай синфларга уквчилар махсус тест синовлари асосида қабул қилинади.

Мактабда мунтазам фаолият курсатаётган мусиқа, хор, рақс тугараклари санъат ихлосмандлари билан гавжум. Уларнинг аъзолари «Нурли келажак», «Қушигим жон қушигим» каби телекурсативларнинг бир неча бор меҳмони бўлишган. Шуниси кўзни қувонтирадики, мактаб деворларига илинган алломаларимизнинг ўқиб-урганиш ва

таълим-тарбияга оид ибратли ҳикматлари-ю, мақолларнинг бари лотин алифбосида битилган.

Мактабда бирон бир тантана, тадбир ва кечаларсиз кунлар жуда кам бўлади. Яқингинада уквчилар кўни муносабати билан байрам дастури утказилган бўлса, кўни-кеча бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Улуг сиймолар ёди» мавзуда катта тадбир утказилди. Бугун эса 21 октябрь — тил байрами муносабати билан ҳар бир синф уквчилари деворий газеталар чиқаришяпти. Она тили ва адабиёт дарсларида очиқ машғулотлар утказиляпти. Халқи билимдон юрт бадавлат экан, билимни ана шундай тадбири тадориклар ҳам мустаҳкамлаши шубҳасиздир.

**Наргиза ЁҚУБОВА,
Акмал АЗИМОВ.**



Махбуба опа Мирзаева пойтахтимиздаги 104- мактабда қарийб 30 йилдан бери болаларни она тили ва адабиёт фанига қизиқтириб келадилар. Устознинг адабиёт тўғараги, дарсдан ташқари билимларни мустаҳкамлаш соатлари бонс ўтган йили ўқувчиси Дилноза Аҳмедова шаҳар олимпиадаси ғолиби бўлди.

Суратда: Махбуба опа Мирзаева адабиёт тўғараги аъзолари билан Амир Темур бобомиз ҳақида суҳбат ўтказаяпти.

Суратқаш Р.АЛЪБЕКОВ.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига 7 йил тўлди

ҲАММАСИДАН ЎЗИНГ ЯХШИ, ЖОН ТИЛИМ

Мен ўқийтган Тошкентдаги 217-мактабда асосан рус тилида сузлашувчи тенгдошларим таълим олишади. Устозларим ҳам, мактабдошларим ҳам она тилимизга чуқур ҳурмат билан қарашади. Ўзбек тилида сузлашувчи болалар ўзбекча гаплашишга ҳаракат қилишади. «Бу тилда Навоий бобомиз, Нодирабегим, шоҳ Бобур, Увайсийлар сузлашган» дейди уртоғим Самвел.

Ҳафтанинг бир кунини билим даргоҳимизда битта тилни чуқур урганишга аҳамият берилади. Чунки «Тил билган, эл билади» деган ҳикматли гап бор-да. Кўни кеча мактабимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига 7 йил тулиши муносабати билан тил байрами ҳамда қизиқарли беллашув бўлди. У «ҳаммасидан ўзинг яхши, жон тилим» деб аталди. Бу тадбирда мактабдошларим фаол иштирок этишди.

**Жамол СОЛИЕВ,
Тошкентдаги 217-мактаб ўқувчиси.**

ҒОЛИБЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

Азиз болалар! Амир Темур йили муносабати билан газетамиз саҳифаларида йил давомида «Амир Темурни биламизми?» номли викторина утказганимиздан хабарингиз бор. Шу викторина саволларига мактаб уквчиларидан минглаб мактублар келди. Бунинг учун уларга уз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Буюк бобокалонимизнинг 660 йиллик таваллудлари нишонланаётган айни кунларда саволларга энг туғри жавоб йўллаган ғолиблар билан танишинг:

I урин — Малоҳат РАЖАБОВА, Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 28-мактаб уквчиси;

II урин — Гулноза ШАРОПОВА, Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 40-мактаб уквчиси;

III урин — Муҳаббат ЗОИРОВА, Тошкент шаҳридаги 128-лицей уквчиси.

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Зарафшон жамоа хужалиги, Беруний номли 33-урта мактаб уквчиси Муқаддас ОЧИЛОВА викторинамизнинг энг фаол иштирокчиси, дея эътироф этилди.

Ғолиблар ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида ҳикоя қиламиз.



Мен эрурман бир болангиз,
Меҳрингиздан униб-ўсдим.
Ёғин-сочинга қолмангиз,
Шошилинг эй, ёру дўстим!
Чигитимдан оласиз ёғ,
Ўзапоям пиширар нон.
Хирмон бўлай, тезроқ

теринг,

Қолдирманг борича имкон.
Тўлиб-тошдим мисоли сут,
Териб олинг, қилиб гайрат.
Кийим-бош ҳам бўлади бут,
Ҳосилимнинг таги роҳат!
Меҳр берган, меҳр олур,
Меҳрдан чарақлар кўзим.
Дунёда яхшилик қолур,
Қадрлай бил ўғил-қизим.
Фарида УСМОНОВА.

УШОҒИ ҲАМ АЗИЗ НЕЪМАТ

Туртинчи синф хонасини бир курсангиз эди. Муътабар неъматимиз булган нон ҳақидаги ҳикматли сузлар ва донолар уғитларидан намуналар дид билан эзилиб деворларга осилган. Ҳаммаёқ топ-тоза. Столлар устида эса бугдой майсаси, дон, ун, патир, турлитуман нон намуналари, қатлама сомса, варақи ва ҳоказолар.

Мана, уквчилар, ота-оналар, болалар ҳам ўзбекиона кийимда ташриф буюришди.

«Туртинчи синф уквчилари уюштирган «Нон азиз» мавзудаги эрталигимизга хуш келибсиз!» Синф сардори Наргизахон Сафарованинг жарангдор овози байрамнинг бошланганлигини дарак бер-

ди.

Шундан сунг «Бугдой нонининг кашф этилиши ҳақида» маъруза ўқилди. Айниқса, Ҳилоланинг айтиб берган ривояти қалбларга нур ёғдиргандай бўлди. Эшитиб куришга.

Қадим замонда бир деҳқон отда кетаётди нон сундирган экан. Ундан бир увоғи эса ногоҳ ерга тушиб кетибди. Йўловчи отдан тушиб, уни роса ахтарибди-ю, бироқ топа олмабди. Ноилож, одамлар билмай босиб оёқ ости қилмасин, деган андиша билан «Бу жойга нон увоғи кўмилган» деб ёзиб қўйибди-да, йўлида давом этибди. Одамлар эса шу-шу бу ердан қаддини жуда эҳтиётлик билан бо-

Синфдошлар орасида

сар, йўловчининг ногоҳ бўлган хурматига тасаннолар айтиб, ундан ўртак олиб ўтар эмиш.

Ривоятни эшитиб, сеҳрланган иштирокчилар Пулат Муминнинг «Табаррук нон мақтови» шеъри ва болалар ижро этган бошқа куй-қушиқлардан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Эҳ, бу байрамга сиз ҳам қатнашганингизда эди, ота-оналар ва муаллимлар каби бу болалардан жудаям мамнун булардингиз.

**Ҳикоят ЖУМАЕВА,
Бухоро вилояти,
Гиждувон туманидаги
3-мактаб ўқувчиси.**



«ШУКРОНА АЙТ АВВАЛ ПАРЧА НОН УЧУН»

Дўстлик ёзишмалари

«Жин урсин ўша урушларни! Мен, ахир, ижод қилишни истайман!...»

Э. ХЕМИНГУЭЙ

«Бир кун жанжал қўпган жойда қирқ кун барака бўлмади» дея нақл қилган доно халқимиз. Кун ора матбуот, радио ва ойнаи жаҳондан берилаётган нохуш хабарлар, Афғонистонда руй бераётган беҳайр ҳодисалар бизни хушёр мушоҳадага ундайди. Хуш, бу шайтанатдан ким баҳра олади, ким манфаат топади? Қурол-яроғ ишлаб чиқараётганларми? Макон ва ҳукумат талашаётганларми? Томиримизда оқётган қон, дилимизни қамраган қардошлик, руҳимизни асраётган удумлар, шажарамизни бирлаштириб турадиган афсонавий Одам Атою Момо Ҳаволар ҳаққи-хурмати биз бу ҳодисаларга бефарқ, лоқайд қараб турол-

маймиз. Дилимизни хавотир уртайди, юрагимизни бир лаҳза хавф қамрайди. Уйлаймиз... Милтиқлар қундоғи безавол, ҳаётбахш дарахт новдаларига айланишини истаб тавалло қиламиз. Уруш майиб этган ота-боболаримизнинг руҳи олдида тазарру қиламиз. Зеро, биз англаган ҳақиқат шу: Урушда ҳеч ким бир-бирига мурувват курсатмайди, ҳеч ким бир-бирининг бошини силаб-сийпамайди, урушда одам одамни улдиради!..

Биз, мустақил, болалари бахтига ҳаммиша омон, ҳаммиша фаровон, тинч-тотув Ўзбекистоннинг жигарбандлари сифатида қасрда бўлмасин, уруш деган

касофатга қаршимиз! Шу боисдан ҳам юртимизда кечайтган улуг, қудратли ҳодисалар дилимизга фахр, шунингдек, масъулият уйғотади. Юртимиз ва юртбошимизнинг тинчликни барқарор айлаш йулидаги сатъ-ҳаракатлари бизни бағоят қувонтиради. Тинчликни энг муқаддас удумдай асраб-авайлаган юрт учун тақдирга шукрона айтаемиз:

Шукрона айт аввал парча нон

учун,

Сўнг қултум сув учун шукрона

такрор.

Чунки, бу оламда, яширмоқ

нечун,

Сенга шуларни ҳам кўп

кўрганлар бор...

(А. Орипов).

Дунёда Ўзбек куп. Ўзбекистон эса — битта. Ўзга юртлардаги миллатдошларимиз ила диллашмоқ, кези келганда эса, тиллашмоқ ҳам зарур ва раво. Шу боисдан, кичик дўстларимиз Шерзод ва Ҳусайнбекнинг узаро ёзишмаларини этиборингизга тақдим этишга журъат этдик.

Салом дўстим, Ҳусайнбек! Аҳволларинг қандай? Соғликларинг жойидами? Мактабингдаги барча болаларга саломини етказ. Айтгандай, ўқишларинг қандай кетаяпти? Ўзбекистонда, Тошкент шаҳрида қанақа ўзгаришлар бўляпти? Барчаси ҳақда менга ёзиб юбор.

Дўстим Ҳусайнбек, сизларга ҳавасим келади, ёзги таътилда лагерларга, хушхаво жойларга чиқиб кетасизлар. Бизда эса барча болалар каникулни далада ўтказишди. Агар шундай қилмаса, қишда жон сақлаш қийин. Шу ёзги таътилда бир ўзим икки юз кило ўрик қуришдим. Энди мана шу ўрикни ҳар шабба, бозор кунлари чиқариб Исфара бозорида сотаман.

Мактабга боришга ҳам ҳушим қолмади. Синф хоналаримиз жуда совуқ...

«Қирқ кун уруш бўлган жойдан қирқ йил барака қочади», дейдилар бобом. Билмайман, бу оғир кунларнинг чеки борми-кан?!... Сизлар қизиқарли китоблар устида баҳслашаётган бир пайтда биз бозордаги нарх наво, тирикчилик ҳақида ўйлаймиз. Мактабимизда катта спорт зали бор эди. Биз унда ўйнардик, турли-туман машқлар бажарардик. Ҳозирги кунда бу спорт зали ҳувиллаб ётибди.

Уруш ўчоғи бўлган Қўрғонтепа, Кўлоб, Фармдан роса кўп оилалар қишлоғимизга кўчириб келинди. У ерлардан келган болаларнинг ё дядаси, ё амакиси, ё акаси урушда ҳалок бўлган. Уруш

кўрган болалар билан гаплашиб туриб, кўз олдида отиб ташланган қариндошлари ҳақидаги гапларини эшитиб юрагим эзилиб кетади. Ҳар кун урушни, унинг оловини ёққанларни қарғайман.

Мактабдан кўнглим совигани билан ўқишни ташлаб қўйганим йўқ. Тирикчилик юмушларидан қўлим бўшади дегунча мустақил равишда дарсларимни давом эттираман. Келажакда Тошкентдаги дипломатия институтига кириб ўқишмоқчиман.

Айтгандай, дўстим, сизлар юборган «Тонг юлдузи» газетаси учун раҳмат! Хузур қилиб ўқидим. Сизларга маза. Қандай обод, озод, бой ватанда яшайсизлар. Газетанинг менга ёққан томони шу бўлдики, болалар юрагидаги гапни бемалол ёза оларкан.

Бобом: «Тинчлик — табаррук неъмат, унинг қадрига етмаган хор бўлади», дейдилар.

Дўстим, энди Сизлар мана шу табаррук неъматнинг қадрига етинглар...

Ҳусайнбек, менга тез-тез хат ёзиб тур. Сизларнинг бахтиёр ҳаётларингизга жуда қизиқаман. Ҳамма-ҳаммаси ҳақида батафсил ёз. Хатингни кутаман. Соғ бўл.

Дўстинг ШЕРЗОД ҚОРИХОНОВ,

Тожикистон жумҳурияти, Хўжанд вилояти, Исфара туманидаги Алишер Навоий номли 35-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Салом ШЕРЗОД!

Хатингни олдим. Аввалига сепдан хат келганини эшитиб роса қувондим. Очиб ўқигач, сенга ачиниш, хафа бўлдим. Синфдошларимга саломингни етказдим. Хатингни уларга ҳам ўқиб бердим. Синфдошларим билан маслаҳатлашдим. Яқинда сен ўқийдиган мактаб болаларига ва Сенга моддий ёрдам жўнатмоқчимиз.

Дўстим, бизнинг ҳаётимиз билан, ундаги ўзгаришлар билан жуда қизиқибсан, раҳмат. Соғлигим яхши, ўқишларим жойида. Мен бу йилги ёзги таътилни Бойсун тоғларида ўтказдим. Бир кўрсанг эди бу жойларни. Худди эртақлардагидай чиройли. Сен айтгандай, маза қилиб дам олдим. Бойсунда тожик тилида гаплашадиган қишлоқлар бор экан. У ердаги болалар билан дўстлашиб, тожик тилидан анча мунча сўз ўрганиб олдим.

Ҳозир жонажон мактабим

бағридаман. Айтгандай, мактабимиз олдида спорт тўғараги ишлаб турганини хатларимнинг бирида сенга ёзиб юборганим. тажвандо бўйича ўқувчилар орасида ўтказиладиган шаҳар мусобақасида қатнашаман. Насиб бўлса, ғолибликни қўлга киритиш ниятим бор.

Мактабимиз Америкалик ўзбек болалари билан дўстлик алоқаларини ўрнатган. Хат ёзишиб тураемиз. Улар бизни қишқи каникулда меҳмонга чақиришди. Агар Америкага бориб келсам, у ерда кўрганларимни сенга ёзиб юбораман.

Унгача, балки, вақт топиб бизникига меҳмонга келарсан. Сенга Тошкент шаҳрини томоша қилдирардим. Бирга циркка тушардик. Шаҳримиздаги болалар театрини кўрсатардим. Ҳозир Тошкентда Америкадан келтирилган динозаврлар намоиши бўляпти. Келганинда бирга борардик.

Яқинда адабиёт дарсида «Тинчлик — Ватанимиз таянчи» мавзу-

Айтмоқчи, ҳозир бизда Америка ва Туркиянинг «Лунопарк»лари очилган. Баъзи дам олиш кунларида оиламиз билан бориб ҳордиқ чиқариб келамиз.

Сенга юборган «Тонг юлдузи» газетасини эътибор билан ўқиб чиққанинг учун раҳмат, дўстим. Биз бутун синфимиз болалари билан бу йил ҳам обун бўлмоқчимиз. Хоҳласанг, сенга ҳам сонма-сон юбориб тураман. Агар ёзгинг келса, ўзинг ҳақингда, атрофингдаги болалар ҳақида бизнинг «Тонг юлдузи» газетамизга ёзиб юбор.

Шерзод, сен буюк жаҳонгир бобомиз Темур ҳақида албатта эшитгансан. Менинг ўша бобом айтганларки: «Адолат ва эркинлик ҳукмрон бўлган мамлакатда уруш бўлмайди, уруш бўлмаган мамлакатнинг халқи тўқ ва бой яшайди».

Мен бу гапларни шунинг учун ёзаялманки, дўстим, сизларда ҳам



БОЛАЛАР ШИРИН, АММО, АФСУС, ЭРТА КАТТА БЎЛИБ ҚОЛИШАДИ,

— дейди покистонлик Тоҳир Амлам Гора.



Тугри айтасиз, дедик биз ҳам Тоҳир Амламга. Нафақат болалар ширин, балки буталоқ ҳам, қузичоқ ҳам, бузоқча-ю тойчоқ ҳам ширин. Ширинлиги шундаки, улар ҳали табиатда оқ ва қора кучлар борлигини, яхшилик ва ёмонлик ҳаммиша барқарорлигини англаб

етишмайди.

— Уғлим Довуд икки яшар, аммо Ўзбекистонга икки марта келишга улгурди. Ўзбек болалари билан чиқиб олди. Ёнаён турса, кўшни ўзбек болалардан фарқи йўқ унинг...

Покистон ва Ўзбекистон қадимдан дўст, бир-бирига қулоқ ва куз. Халқлар иттифоқи, ҳамдард ҳаммаслақлиги ҳатто тилларда ҳам муштаракликни вуҷудга келтирган. Шунинг учун Тоҳир Амлам ўзбек ва урдуча муштарак сузлар дугатини чоп эттирди. Кун нусхада чиққан бу китоб жуда тез тарқаб кетди. Бун Покистон халқининг Ўзбекистон билан қизиқиши, бир-бирини урганишига, бир-бири билан тиллашишга интилишидан далолатдир. Тоҳир Амлам По-

кистонда машҳур адиб ва ноширлиги билан ном қозongan. Бизда эса Амир Темур бобомизга ихлоси, эътиқоди билан машҳур.

Умумпокистон Амир Темур фондининг Бош директори таҳририятимизда Амир Темур кунлари давом этаётган тантанали дамларда ташриф буюрди ва ҳайратини очиқ айтди: Ўзбек болалари чиндан ҳам ширин. Уларнинг интилишлари, изланишлари шундоққина кўзларидан кўриниб турибди. Эртанинг кенг тафаккурли эгалари улар. Маънавий баркамол яратувчилардир улар!

— Амир Темур йилида Покистонда машҳур саркардамизга бағишлаб қандай ишлар қилинди?

сида ишро ёздик. Мен ишроимда сен ҳақингда, сенинг ватандош тенгдошларинг ҳақида ёздим. Адабиёт ўқитувчимиз Жўраҳон опам мен ёзган ишонни жуда мақтади.

Айни пайтларда англиз тилини мукамал ўрганишга киришганман. Худо хоҳласа, мактабни тугатгач Америкага бориб ўқийман.

Тоҳир Амлам Гора ҳаяжон билан суз бошлади. Покистондаги энг катта Панжоб Олий ўқув юртларидан бирисида икки марта Амир Темурга бағишлаб конференция ўтказди. Бу соҳибқироннинг янги хислатларини намоён қилган бўлса, покистонлик ешлар тўй баҳона икки марта ўтказилган семинар кунларида ҳам унинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишибдилар. Тоҳир Амлам куп нусхада чоп эттирган Амир Темур ҳақидаги китоб эса қўлма-қўл бўлибди.

Покистоннинг машҳур адиби ва ношири Тоҳир Амлам ҳаргал Тошкентга бир мақсад билан келар экан. Бу гал ўзбек шеърини анталогиясини тайёрлаш устида изланмоқда. Бир кўр-

бир кун келиб адолат ва тинчлик ҳукм сураб. Мен бунга ишонман. Сен ҳам ишонгин.


Сенга саломатлик ва тинчлик истаб, дўстинг

ХУСАЙНБЕК НОРМАТОВ—
Тошкент шаҳридаги
113-ўрта мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

ган таниш, икки кўрган билиш деганларидек, ўзбек ва урду тиллари луғатини тайёрлаб бизга танилган Тоҳир Амлам энди ўзбек шоирларининг ижодига ҳам эътибор қаратяпти. Бу каби дўстларимиз, жонқуяр ва эзгу тилакли таниш-билишларимиз купаяверсин деймиз. Балиқ сувсиз янамас, инсон эса дўстсиз. Кучимиз дўстликда, қудратимиз яхши қўшничилик, ошно-оғайничиликда. Бугунги ширин болалик эртанги комил инсонларни шакллантириши учун ҳам дўсту таниш билишларимизнинг эзгу тилаклари, хуррам орзу-хаёллари керак.

Абдувоҳид
АБДУҒАФФОРОВ.

Устоз минбари



Анвар Изатович Бекмуродов бу мақолининг маънисига Вильнюсда ўқиб юрганида яхши етган эди. Йўқ, у энг аввал 1-СПМКда уста-дурадгор бўлиб ишлаган даврида англаган. Ростдан ҳам, меҳнатда, билим олишда кўпни кўриб, кўпга дуч келганлар ютқазмас экан. Буни эндиликда у юракдан ҳис қилапти. Чунки кечаги талаба, уста-дурадгор, котиб ўринбосари, қурилиш отрядларининг командири, миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича масъул инсон бугун Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлар экан, асосий мақсади эртанги — маънавиятли ёшларини тарбиялаш эканлигини яхши билади. Бу борада оз-оз ўрганиб доно бўлган, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлган тажрибали зиёкорларга хос фикр юритади. Ўқувчиларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, олим бўлса олам уники эканлигини осон тушуштириб берадиган Анвар Изатович биз билан самимий суҳбатлашди:



— 1162 та умумтаълим мактабларида 603,5 минг ўқувчи таҳсил оляпти-ю, нега уларнинг ҳеч бўлмаса учдан бир қисми «Тонг юлдузи»ни ўқи-маслиги керак? Ахир кун-кеча биз ҳам мамлакатимизда ягона болалар газетаси бўлган «Ленин учқуни» — бугунги «Тонг юлдузи»ни орзиқиб кутар-миз. Газетхонлигимиз, китобхонлигимиз, қолаверса, ўқишга, ўқишга интилишимиз ибтидоси шу газета бўлган. Унда тенгдошларимизнинг суратини кўриб бир қувонсак, бизнинг хат-хабарларимиз асосида фақат биз учун чоп этилишидан яна шодланиб, ёзувчиликка берилганимиз ҳам сир эмас.

Анвар Изатович утган ўқув йилига нисбатан мактаблари 14 тага, ўқувчилари эса 20 мингга кўпайганини фахр билан айтиб, — 56 минг ўқитувчимиз тушуштириш ишларини олиб борса, албатта, газета минглаб ўқувчиларига эга бўлади, — дедилар. Болаларнинг сирли олами, дунёвий билимлар, ҳад билмас руҳият билан ошқор қиладиган газетага мураббийларимиз бефарқ бўлмайдилар.

Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Анвар Изатович Бекмуродов шундай қутлуғ кунларда обунамиз ҳақида, уни уюшқоқлик билан утказиш, ўқув ва тарбия ишларини маълум йўлга қўйиб олган мураббийнинг иши эканлиги ҳақида куюниб гапирар экан, бу масала кунгида эзгулик нур сочаётган ҳар бир фуқаронинг иши эканлигига яна бир марта ишондик. Болаларни вақтли матбуот билан яқиндан ошно этиш, дунё ва дунёвий билимлар билан таништиришга йўл эканлигини тан олган бошлиқ вилоятда мактабгача тарбия муассасаларида 99,2 минг нафар бола тарбияланаётгани, 44 та ҳунар-техника билим юртлари, 42 та мактабдан ташқари тарбия

муассасалари, 27 та кечки умумтаълим мактаблари, 12 та узлуксиз таълим марказлари, 17 та махсус мактаб-интернат ва меҳрибонлик уйлари фаолият курсатаётганини таъкидлаб, улар ҳам «Тонг юлдузи»нинг чинакам шуъласидан баҳраманд бўлишларини айтди. Бунинг учун эса газета уз самимияти, болаларбоп материаллари билан ўқувчини жалб этиши ке-

олаётган бу лицейда ётоқхоналар мавжуд бўлиб, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва профессорлари машғулот ўтишади. Дастурлар олий ўқув юртлари ва вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилади. Қанийди, ўша дастурни ҳам йўлланма сифатида «Тонг юлдузи»да эълон қилинса.

300 дан ортиқ мактабларимизда табақлаштирилган си-

ганиб, оммалаштириш учун тажриба майдони сифатида Самарқанд шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан иқтидорли болалар мактабини ташкил этдик. У ерда ўқитиш ишлари 3 ёшдан бошланади. Ундан ортиқ болалар боғчалари қошида тайёрлов гуруҳлари ўрнига гимназия синфлари ташкил этилди. Эндиликда ҳақиқий боғча — гимназия компле-

аниқроқ айтганда, обуна бўлинлар, ахир вилоятингизда 6300 дан ортиқ ўқувчи бор экан, 56 минг ўқитувчи фаолият кўрсатаётган экан, боғчаларингизда ҳам қарийб 10 минг бола тарбияланаётган экан, деб айтмаслигингиздан дур? Президентимиз «Маънавиятсиз келажак йўқ!» дедилар. Маънавияти бут инсон ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди. Ватанга, халққа хиёнат қилмайди. Ҳаёт — мамот масаласи турибди маънавиятда. Бугунги кунга эгаллик, келажакка даҳлдорлик бор унда! Шу байрам кунларида Регистонимизни айланиб, Улуғбек расадхонаси, Кўксарой майдони, улуғ саркарда ва соҳибқирон Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, қалбимда бир фахр туйғусини туйдим. Бу — овоз ва обод мамлакатнинг бир фуқароси эканлигидан ўз юрти, ўз тили қадр қимматига эга инсоннинг гўзал гурури эди. Бундай туйғу ҳар бир шогирдим қонида жўш уришини истайман. Уларга юзга кирсанг ҳам ҳунар ўрган, ҳунарманд халқимнинг гўзал кошоналарини кўр, дейман. Аммо ўрганиш осон, ўргатиш қийин, дейман яна. Бу йўлда мураббийларимизга сабот, матонат, гўзал туйғулар ёр бўлсин.

Шу кун — Амир Темур тантаналари давом этаётган чароғон чошгоҳда, вилоят угил-қизларини баркамол инсон қилиб тарбиялашга бел боғлаган бошқарма бошлиғининг ҳаяжони беҳад эди. Бу ҳаяжон кўп юриб, кўп курганлигидан, десак муболага эмас. Байрам кунларидаги чароғонлик, хотиржамлик ваъда қилинаётган фаровонликдан эди.

Болалар маънавиятини уйлаб, шогирдларини газетхонликка чорлаётган бошқарма бошлиғининг фикр-мулоҳазалари бошқаларга ибратдир. Раҳмат сизга, Анвар Изатович!

ЮЛДУЗХОН.

Кўн юрган кўн кўраб, 5/1

Кўн ўқиган кўн уқар.

рак.

— Бунинг учун, — дедик биз ҳам уз навбатида, — ўқувчиларимиздан кўп хат-хабарлар келиши керак. Хатларга суянсак, ҳақиқат, самимият, ростлик ва тўғрилиқ уз имкониятларини ёяди. Аммо мамлакатимиздаги миллионлаб болаларга бор йўғи 6—7 минг нусхада тарқатилаётган газетани қайси болалар ўқисин-у, қаердан, қайси мавзуда бизга хат-хабар йўллашсин?

Анвар Изатович, «Иложи борича иқтидорли болаларни қидириб топишингиз керак», дедилар. — Бизда ҳам иқтидорлилар жуда кўп. Республика «Иқтидор» маркази билан ҳамкорликда яқинда 5-8 - синф ўқувчилари ўртасида махсус дастур асосида танлов ўтказилди. Унинг натижаси эса пойтахтда профессор Б. Қодиров лабораториясида таҳлил этилади. Ана шу таҳлил натижаларини ҳам кенг ёритиш керак. Иштирокчиларимизнинг иқтидор даражасини айнан «Тонг юлдузи»да кўрсатиш керак. Вилоятимизда 7 та лицей фаолият кўрсатаётди. Махсус кўриқдан ўтказилган иқтидорли болалар таълим



инфлар ташкил қилинган бўлса, айрим фанларни чуқур ўргатувчи 220 дан ортиқ мактабларимизда чет тиллари, айниқса, инглиз тилини ўзлаштиришга эътибор кучайтирилган. Вилоят ҳокими қарори билан таъкил этилган тиллар маркази тил ўрганиш масаласини анча енгиллаштирди. Чунки шаҳар ва туманларимизда бу марказнинг филиаллари очилди. Тарбиячиларнинг касб-маҳоратларини ошириш, услубий ишларини яхшилаш диққат марказимизда. Илғор тажрибаларни ўр-

кслари фаолият кўрсатмоқда.

Кўхна Самарқанд бобомиз Амир Темур юбилейи муносабати билан дунё назарига янада яққолроқ тушди. Тарихни ўрганиш, кадриятларга муносабат, она юрт, она тупроқ шаънини сақлаш, ҳақиқий ватан фарзанди бўлиш билан фахрланиш туйғуси ўқувчиларимизга тинчлик бермаслиги керак. Ёниб яшасинлар улар, элим, юртим деб, эл-юрт меҳрини қониб яшасинлар улар. Эртанги кун эгаларини шакллантираётган эканмиз, чиндан ҳам «биздан овоз ва обод ватан қолсин!» Бунинг учун болалар дунёқараши-ни кенгайтиришимиз керак. Она юрт тупроғини гулла-тишга чоғланган бола нигоҳи оламни кузатсин. Биз ўқитувчи ва ўқувчиларимизни газетхонликка ва китобхонликка даъват этишдан чарчамаймиз. Шу кунгача Республикаимизда чиқадиган нашрларга обуна қилиш ишлари мўлжалдан ортиғи билан амалга оширилди. Аммо негадир «Тонг юлдузи»га 1450 киши обуна бўлибди. Бу сонни айтишга ҳам уялдим. Эҳтимол, бу уят — сиз газета мутасаддиларининг ийманишларингиз, камтаринлигингиз,

Кейинги вақтларда республикамизнинг барча вилоятларида ва пойтахтимизда гимназия мактаблари сони ортиб бормоқда. Бизнинг 274-мактабда ҳам тажриба сифатида адабиёт ва математика фанлари чуқур урганилашган иккита махсус лицей синфлари очилган. Бу синфларда адабиёт фанига асосий эътибор қаратилган бўлиб, ўқувчилар даредан ташқари қушимча адабиётлар билан ишлаб, янги асарлар билан танишиб боришлари лозим. Шу мақсадда мен «Тонг юлдузи», «Гулхан» саҳифаларида, «Келажак тонги»ни тинглаб» каби дарслар ташкил этгандим. Бу дарсда ўқувчиларим газета билан танишиб, унда кутарилган мавзулар юзасидан ўз фикрларини билдирардилар, тенгдошлари ижоди-

БОР ОТАНГА, БОР ОНАНГА, ИШ БИТМАСА КИМГА БОРАЙ?

дан намуналар ёдлайдилар, қатра хандаларни саҳналаштирадилар. Хуллас, ҳар икки ҳафтада утадиган бундай дарсларни орзиқиб кутадилар. Албатта, газета бизнинг яқин кўмакчимиз ва маслаҳатчимиз. Аммо... биз газетага доим ҳам етиша олмаймиз. Сабаби — аввалги йили кўп ўқувчиларим Юнусобод туманидаги 114-алоқа бўлими орқали «Гулхан»га обуна булган эдилар. Афсуски, Нодира, Лайло, Гузал сингари ўқувчиларим бор-йўғи журналнинг 2 та сонини олишди. Узим ташвиқ этиб уларни обуна қилганим учун қвитанцияларни кутариб, 114-алоқа бўлимига бордим. Улар бир-бирларига айб қўйдилар. Исملарини айтишдан бош торти-

лар. Яна бу гаплари ортиқча булди: «6 ойга обуна булингани учун 3 та сонини олишган булса тўғрику, журнал 2 ойда бир чиқяпти. Ваҳоланки, мен журнал муҳаррири Сафар Барноев билан гаплашиб, журналнинг 8 та сони чиққани, ярим йилга обуна булганларга ҳам мукофот тариқасида ҳамма сонлар тарқатилганидан хабардор эдим. Айрим ўқувчиларим эса Тошкент туманидаги 16-алоқа бўлимидан журнал ва газетанинг барча сонларини олиб турганлари ҳолда шаҳардаги аҳвол шундайлиги бизни ранжитди.

Шу кунларда обуна мавсуми бошланган. Ўқувчиларим ёзги таътилда ишлаб топган еки музқаймоққа аталган пулларини тунлаб сеvimли газеталари «Тонг юлдузи»га езилиш умидидадир. Лекин бир ташвиш мурғак қалбларга озор бермоқда: — Обуна булсам газета келармикан?

Қаёқда, бошқа муаммолар ҳам бор экан. 6 та ўқувчининг пулини олиб 114-алоқа бўлимига бордим, «Хали нархи номаълум, кейинги ҳафтага келинг» — дейишди. Бунашиб 16-алоқа бўлимига бордим, «Каталог келгани йўқ» — деган жавобни олдим. Кутубхонамизга учрашдим, «РайОНОдан каталог тарқатишмади» — дейди у.

Юришмаган юмушлар

Ҳозир қўлимда обуна пули, қаерга боришни, нима қилишни билмайман. Пулни тарқатиб юборай десам, ўқувчиларим яқин дусту, маслаҳатчиси булмиш газетадан узилиб қолади. Езилайлик десак, бор отанга, бор онанга қабилида иш куришмоқда. «Маънавиятсиз келажак йўқ», деб ёшларга алоҳида эътибор берилаётган шу кунларда руй бераётган бу ҳолга қагдай баҳо бериш мумкин? Айтнинг, кимга бораёлик?!

Маҳмуд ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб
ўқитувчиси, Халқ
маорифи аълочиси.

Сиз кутган учрашув

Фозилжон ака Ориповни суҳбатта тортишнинг ўзи бўлмади. Ҳар гал янги-янги бошқотирма, кроссворд ва ребуслари билан муҳарририятимизга кириб келадилар-да, бирор вақтни рукач қилиб, шошиб чиқиб кетадилар. Шошиб юришлари боисини жуда ишлари кўпчилиги, хизматга кечикаётганликларидан деб курсатсалар ҳам, биз уларнинг ута камтарин ва камсуқумликларидан эканлигини яхши билардик. Ва ниҳоят,

— Фозилжон ака, сизни «Хамманинг бошини қотирадиган одам» дейишади. Бу ибората ўзингиз қандай қарайсиз?— деб тўсатдан саволга тутдик.

— Бу муҳлисларимнинг борлигидан, уларнинг меҳридан далолат, деб биламан. Яна шуни ҳам айтиб қўймоқчиманки, ҳамманинг бошини қотиритишдан аввал узимнинг ҳам обдон бошим қотари.

— Болалик ҳақида гап кетганида кўпчилик «Болалик бир эртакка ўхшайди», «Болаликда жуда шўх, ўйинқароқ бўлганман» дея хотирланади. Сизнинг болалигингиз қандай кечган?

— Болалигим оддийгина болаликдек кечган. Тошкентнинг эски шаҳаридаги «Чақар» маҳалласида, серфарзанд оилада тутилганман. Варрак учираман деб томдан йиқилиб тушганимни, ўйин қиламан деб танчада оғимни куйдириб олганимни, бир неча бор уртоқларим билан дардан қочганимни, молларга қарамаганим учун дадамдан дакки эшитганимни айтмасам, жуда мумин, ювонш бола бўлганман.

Иссиққина танчада утириб китоб ўқиш, газета-журнал ва роқлаш жону дилим эди. Улардаги эртак ва ривоятлар, айниқса, бошқотирмаларни зур қизиқиш билан ўқирдим. Ушша пайтларда «Гулхан» журналида самарқандлик Саидолим Пирмуҳамедовнинг бошқотирмалари жуда кўп эълон қилинарди. Мен уларнинг ечими устида соатлаб бош қотирардим. Кейинчалик эса узим ҳам бошқотирмалар тузиб, машқларимни болалар нашлашга юбора бошладим. Лекин ҳадеганда эълон қилинавермади. Олий билимгоҳда уқитганимда «Гулистон» журнали муҳарририятига бордим. У ерда таниқли таржимон, журналист Ваҳоб ака Рузमतов билан учрашдим. Машқларимни қуриб маслаҳатлар бердилар. Расом Эмиль ака Рузибоев эса чиқариладиган тасвирнинг аниқ, кур-

кам бўлиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриқлар курсатдилар.

1973 йилда Гулистон журналининг 3-сонидан биринчи кроссворд эълон қилинди. Шундан сунг тузган машқларим «Ленин учкунни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»), Гулхан каби болалар нашрларида эълон қилиниб, ўз муҳлисларини топа бошлади. Бундан руҳланиб, рангбаранг шаклларда турли соҳаларга оид бошқотирмалар туза бошладим. Топқирлик машқларининг юзга келишига оид манбааларни топиб ўқидим. Ҳозирча энг кўпна маълумот Англияда 1868 йили аниқланган бўлиб, қазилма ишларида эрамининг III — IV асрларида мансуб кроссвордга ухшаш шакл топилган. Ҳозирда оммалашган кроссворд тарихи қуйидаги аниқ маълумотларга баён этилади. 1913 йилининг бошларида Жанубий Африка кучаларида солидрилган фалокат айбодори ҳисобланган авто-



мунча мураккаб вазифа бўлиб, унинг учун етарли билимга эга бўлиш билан бирга бетакрор шакл топишга эришиш, чизмачилик, рассомликдан ҳам хабардор бўлиш зарур, деб ўйлайман. Бирон бир соҳага оид бошқотирма тузиш учун ана шу соҳага оид адабиётларни ўқиш чикаман. Ҳар бир матбуот нашри талабидан келиб чиқиб, унинг ўқувчиларига мослаб тузишга интиламан. Мавзуларнинг чексизлигини шарқнинг мумтоз шоири, мутафаккир Абулқосим Фирдавсийнинг қуйидаги мисралари билан изоҳлашни уринли билардим:

**Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён.**

Бошқотирмалар тузишда саволларни мураккаблаштириш билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан: «Тошкент» сузи «Ўзбекистоннинг пойтахти» деб таърифланса,



ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛГА ТУШГАН ОН...



мобиль ҳайдовчиси инглиз Виктор Орвилл уч йилга озодликдан маҳрум этилади. Виктор қамоқхонада буш вақтини ҳиссонанинг каттак кошнли деворига сузлар эзиш билан ўтказди. Эйтибор бериб қараса, сузлар кесилган ҳолда жойлашганини куради. У уйлаб топган уйин намунасини маҳаллий йирик газеталардан бирига йўлайди. Муҳаррир аввалига буни бир эрмакталаб ёзганда, деб аҳамият бермади. Лекин дустлари билан биргаликда ҳар бир жумбоқ суз топилганда, бирор мусобақада голиб чиққан одамдек севишиб кетишади. Шунга кура муҳаррир бу уйинни газетанда чоп этишга қарор қилади. Шундан сунг газета муштарийларининг сони учтўрт ҳисса ошиб кетади. Кроссворднинг ихтирочиси Орвилл қамоқхонадан озод бўлиб чиққанида уни банкда туққиз миллион доллар кутиб турарди...

— Ақлий машқлар дам олиш соатларининг қизиқарли ўтиши учунгина ечиладими?

— Нафақат қизиқарли, фойдали ўтказиш учун ҳам ҳал қилинади. Шунингдек, бошқотирмаларни ҳал этган кини уз билими, зеҳни ва топқирлигини синаб куради, мантиқий мушоҳада юритиш доираси кенгайиб, хотираси мустақкамланади. Суз ва номларни ихчам, аниқ таърифлашни урганади.

Кроссвордни ҳал этишни баъзилар «рақибсиз галаба» деб ҳам таърифлайдилар. Бунинг сабаби, машқни ҳал этиш учун қомус, лугат, харита, жадвал, асар ва манбаалардан исталганча фойдаланиш имконияти чекланмаган.

— Тузган ақлий машқларингиз мазмун жиҳатдан ҳам, услуб жиҳатдан ҳам ранг-баранг. Бунга қандай эришасиз, қийин эмасми?

— Бошқотирмалар тузиш бир-

уни муштарий бир зумда топадиқуйди. Агар саволимизни мураккаблаштириб, «Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар» деб қўйсақ, у бироз уйлашга, мушоҳада юритишга мажбур қилади.

— Кроссворднинг турлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Ақлий машқлар тузишга ихлосманд ўқувчиларимизга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

— Кроссвордларнинг турларига келсак, унинг ижодкорлари таксимлаштириб бориб, яна бир неча турларини уйлаб топилди. Кроссворд сузининг маъноси инглизчадан сузма-суз таржима қилинганда «Кросс» — кесилган, «ворд» — суз маънасини англатади. Яъни, узаро кесилган сузлардан тузилган жумбоқдир. Кроссворд мазмунига кура умумий эки маълум бир мавзуга оид бўлиши мумкин. Шу билан бирга тасвири суз уйинлари, бадий эки санъат асари сингари

қатор турларни уз ичига олади. Булар жумбоқ сузининг шаклда жойлашиши ва унинг этиш тартибига кура бир-бирдан фарқ қилади. Масалан, айланма кроссвордни олайлик. Унда сузлар айланма тарзда кесилган ҳолда жойлашади. Жавоблар рақам эзилган хонадан эмас, унинг атрофига белгиланган хонадан соат мили йуналишида эзилиб, ҳал этилади.

Чайнворд инглизча атама бўлиб, «занжир суз» маъносини англатади. Унда топиллиши лозим бўлган биринчи сузининг сунгги ҳарфи иккинчи сузининг бошлангич ҳарфи бўлиб, шу йусинда давом эттирилади.

Чайнкроссворд, кроссчайнвордлар чайнворд ва кроссворднинг қушилишидан ташкил топади. Топшириқли кроссворд, чайнвордлар ҳам уйлаб топилган бўлиб, улар ҳал этилгач жавобларининг биринчи эки маълум ҳарфлари орқали ҳикмат, мақол эки шиор ҳосил қилинади.

Тасвири жумбоқнинг яна бир тури халқаро атамада криптограмма дейлади. («Крипт» — яширин, «грамма» — ёзув). Бунда мазмуни белги эки рақамларда яширинган ёзув тушунилади. Уни ҳал этишда аввал очқич сузлар топилади.

Ақлий машқлар тузишга ихлосманд ёш дустларимга кўпроқ ўқиб-ўрганишларини, кроссвордларнинг турларини яхши билишларини, қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда тинимсиз машқ қилишларини ва албатта шакл ва мазмунга алоҳида эйтибор беришларини маслаҳат берган бўлардим. Ҳаётдаги муаммоларини ҳам ақл, топқирлик, билимдонлигу талбиркорлик билан ҳал этишларини тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб бир таклифимни уртага ташламоқчи эдим. Республикаимизда ҳам мактаб дарслиқларига топқирлик машқлардан киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу — бир томондан, ўқувчилар билиминини синаш бўлса, иккинчидан, ёшликдан оқл ва зеҳнларини чорхлай боради.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!

Феруза ЖАЛИЛОВА
суҳбатлашди.

Ўқитувчи:
— Теорема нима учун ўрганилади?
Ўқувчи:
— Уни қандай бўлмасин исботлаш учун-да. ***

Ўқитувчи:
— Дарак гапга битта мисол келтир-чи.
Ўқувчи:
— Мен кеча бирорта ҳам дарсни тайёрлай олмадим.
Ўқитувчи:
— Жуда тўғри, баҳонинг аъло! ***

Ўқитувчи:
— Энг қисқа кунни айта оласанми?
Ўқувчи:
— Бу кун «жума»га тўғри келади, чунки у бор-йўғи тўрттагина ҳарфдан иборат, холос. ***

Ўқитувчи:
— Нима учун гап ўртасида келган, сифатни англатувчи «Ширин» сузини катта ҳарф билан ёздинг?
Ўқувчи:
— Ширин атоқли от. Чунки у сингилчамнинг исми бўлади. ***

Ўқитувчи:
— Волга ҳақида нималар биласан?
Ўқувчи:
— «Волга» энг чиройли энгил мошина. У ҳар хил маркада ва турлича рангда бўлади. ***

ТАСОДИФ ВА КАШФИЁТ

Италиядаги Падуан дорилфунунининг математика соҳаси буйича олими Галилейни юқори табақанинг такаббур аъзолари ёқтиришмас эди. Уни фирибгар ва дайди деб билишарди. Бунинг боиси, олим уз маърузаларини одатдаги, белгиланган қатъий қоидалар асосида эмас, балки, худди санъаткорлардек, узига хос қизиқарли ўқишда бўлса ажаб эмас.

Масалан, Галилей бир куни навбатдаги маърузасида орган деган мусиқа асбобининг найчасига хуштак чалганда, унинг ичидан ҳам айни шу товуш эшитилади. Олим бу ҳолатни «акс-садо» деб изоҳлайди. У уз талабаларига тоғчуққисига чиқиб, туппонча отишни буюрар, узи эса товушнинг ҳаракат тезлиги нурга нисбатан секинроқ эканлигини исбот қилиш мақсадида отиш пайтида чиққан чақин билан ўқ товуши чиққан вақт ўртасида кечган сонияларни ҳисобларди. Шу йусинда у ҳисоблаш механизмини кашф этди. Унинг бу ҳисоблаш тизими ҳозирги автомат электрон ҳисоблаш машиналари тимсолидир.

Болалар! Аввал қуйида таърифланган сузларни топиб, шаклнинг калитидаги каттакларга «занжир» ҳолида ёзинг.

1. Ут, беда ва бошоқли экинларни қирқиб олишда ишлатиладиган уткир тигли қишлоқ хужалик асбоби.
2. Ёнгингарчилик тури.
3. Буюқ модда.
4. Ут усимлигининг яна бир номи.
5. Суз сақланадиган махсус чуқур жой.
6. Модданинг кичик, майда булаг.
7. Нефть маҳсулоти, техника мойи.
8. Буюм сиртини пардозлашда ишлатиладиган буюқ.
9. Вагон бўлма.
10. Муйнали сут эмизувчи жонивор.
11. Сабавот экинни тури.
12. Жанубий Амери-

кадаги давлат.

13. Радиоактив модда.
14. Инерт газлардан бири.

Энди шаклнинг «қулф»идаги рақамларни жавоб сузлардаги биринчи ҳарфлар билан алмаштириб, топшириқни ҳал этинг. Бунда қаторлар буйича ўқиш билан ўзбек халқ мақолини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ТОПШИРИҚЛИ ЧАЙНВОРД

14
1
2
3
4
5
6
7
8
9
10
11
12
13

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Тахрир хайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0578. 7691 нускада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингиз топириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<p>• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137 • Мавзелимиз: 700083, Тошкент шаҳри, • Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. • Нашр кўрсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25</p>
---	--	---	---	--